


Туркистон Тонги

www.turkistontongi.com | e-mail: gazeta@turkistontongi.com



Ижтимоий-сиёсий, илмий, адабий-публицистик газета

«Қора Январ» Тошкентда ёдга олинди

Озарбайжонда 1990 йил 20
Январда содир этилган
қонли фожеа Ўзбекистондаги
Озарбайжон элчилиги
томонидан ёдга олинди.



20-Январ шаҳидлари хотирасига
бағишиланган ёдгорлик, Баку.

Озарбайжоннинг Тошкентдаги
элчиноси томонидан пойтахтдаги
Хайдар Алиев номли Маданият
Марказида қонли Қора Январ ходисалари
эсга олинди. Хотира кечасида фожеада
ҳаётдан кўз юмгандар хотирави учун
гуллар кўйилди.

Бакунинг Тошкентдаги элчиси
Гусейн Гулиев 20 январ 1990 да бўлиб
утган фожеаларни тилга оларкан
Собиқ Совет ҳукумати Озарбайжонда
фавқулодда вазият эълон қилган холда
бу хунрезликларни амалга оширганини
ёдга олди. Бу фожеа Озарбайжоннинг
мустақиллиги учун амалга оширилган
харакат бўлганини айтиб утган
элчи жаноблари Гусейн Гулиев
“Мамлакатимизнинг мустақиллиги учун
ҳаётини фидо этганлар, бу ерда ёдга олинар
екан, ватан севгиси наслдан наслга
үтиши давом этаверади” деб айтди.

Дунёнинг улкан кучи бўлган Совет
Иттифоқининг заифлашган бир пайтида
Озарбайжон халқи ва Арманлар
орасида ер талашиб каби сабаблар
билин бошланган келишмовчилек икки
халқни бир-бира қарши қилип кўйди.

Москва бошқаруви қатлиомга
айланган кўзғолондаги аҳолини
тинчлантириш учун худудга армия
қўшинларини киритиб кўзғолонни қонли
бир йўсинда бостирганди. Бу қатлиомда
137 киши ҳаётдан кўз юмган, 744
киши оғир яралangan, 4 киши бедарак
йўқолган ва 400 дан ортиқ киши хибса
олинганди.

Озарбайжон тарихидаги 1990 йил 20
январ куни Қора Январ ёки Қора Шанба
сифатида ёдга олинада.

DunyaBulneni.net

Ушбу
зўравонликлар сони
сонда: “нега ортиб бораяпти?..

“Чимкент шаҳри яқинидаги
яна ўқотар қурол ишга
солинган, 1 инсон ҳалок
бўлган...”

Албатта
ўйиниг!

Турк Кенгашининг Диаспоралар бўйича 1-мажлиси Бакуда бўлиб ўтди.

Турк Кенгashi Диспоралар ишлари
бўйича масъул Вазирлар ва Муассаса
Раисларининг биринчи мажлиси
Озарбайжон жумхурияти Диаспоралар
бўйича Давлат Кўмитаси Раиси Нозим
Иброҳимов, Қозогистон жумхурияти
Дунё Қозоқлари Бирлиги Раиси биринчи
ўринбосари Талгат Мамашев, Қирғиз
жумхурияти Ташки Ишлар Вазирлиги
Ташки кўчиш бўлими бошлиги Хуштар
Айтматов ва Туркия жумхурияти Баш
Вазирлиги Чет мамлакатлардаги Турклар
ва Қардош Жамиятлар бўйича Идора раиси ўринбосари Гурсел Дўнмезлар қатнашган
мажлис шу йилнинг 24 январида Бакуда бўлиб ўтди.

Мажлисда Турк Кенгашининг Наҳичиван Келишувида ўртага қўйилган мақсад ва
вазифаларни кучайтириш;

Диаспораларнинг чет мамлакатлarda ўз ватанларининг обрўсini орттириш ва
жамоат фикрига таъсир ўтказиша ўйнаган ролининг аҳамияти;

Туркий тилдosh ўлкалар орасидаги бирлик ва бирдамликни кучайтириш
учун бутун дунёдаги Туркий диаспоралар орасидаги ҳамкорликнинг
ортишига бўлган эҳтиёж тилга олинди.


» давоми, 2-БЕТДА



Нозим Иброҳимов ва Ҳалил Ақинжи

Қозоқ тили 2017 йили лотин имлосига ўтиши керак...

Қозоқ тилшунос олимларидан бир
қанчалари қозоқ тилининг лотин
имлосига ўтишини тезлаштириш
керак, деган фикрни илгари суринди.



Тутқун Уйғур ёзувчisi Нурмамат Ёсин тақдирига ойдинлик киритиш талаб қилинмоқда

Нурмамат Ёсин «Ёввойи каптар»
хикояси учун қамалган.

Қатор халқаро ташкилотлар Хитой
қамоқонасида сақланган ёш Уйғур
ёзувчisi Нурмамат Ёсин ўлими
ҳақидаги хабарлар тарқалганидан
кейин Хитой ҳукуматидан унинг
тақдири борасида маълумот бериш
ни талаб қилмоқдалар.

Халқаро Amnesty International
ташкилоти ҳикояси учун қамалган
ёш Уйғур ижодкорининг ўлими Хитой
ҳукумати учун «шармандали айблов»
эканини айтган ва Нурмамат Ёсин
ўлимини сир сақлаш ҳаракатларини
коралаган. Уйғур Американ
Ассоциацияси Хитой ҳукуматидан

Уларнинг фикрича, бу жараён
республика EXPO-2017, халқаро
кўргазмасигача амалга ошгани дуруст..
деб эълон қиласи 24.kz. телеканали.

Бу фикрни Туркий халқлар Халқаро
академиясининг президенти Шокир
Ибраев ҳам таъкидлаб сўзлади. Унинг
эслатишича, Остонада бўладиган
бу кўргазмага 5 миллиондан ортиқ
туристлар келишиади. “Тасаввур қилинг,
барча тагсўзлар лотин имлосида ёзилиб
турганига нима етсин. Бу, ҳаммадан
аввал халқаро стандартларга ҳам тўғри
келади”, дейди эксперт.

Телеканалнинг хабар беришича,
қозоқ тилининг лотин имлосига ўтиши
аниқ. Қозоқ тилшунослари янги имлонинг
қозоқ имлосига мос 100 хилини ишлаб
чикишган.



зудлик билан Нурмамат Ёсин ҳақида
ахборот беришни талаб қилган. Уйғур
Американ Ассоциациясига кўра,
Нурмамат Ёсин оламдан ўтгани ҳақида
хитойлик ҳукуқшунос олим Тенг Бялоа
Twitterдаги сахифасида маълум қилган.

» давоми, 2-БЕТДА

Шарқий Туркистонда Турк фильмлариға таъқиқ!

Хитой тоталитар ҳукумати аввали
Бўрилар Макони (Kurtlar Vadisi)
дан бошлаб барча турк фильм ва
сериалларини Шарқий Туркистон-
нинг уйғурча интернет сайтларидан
олиб ташлади ва бу иш
билан шуғулланганлар жазога
тортилдилар.



Туркия ва Хитой давлатлари
ўтасидаги келишувга кўра 2012 йилда
Туркияда “Хитой Маданияти Йили”,
2013 йил эса Хитойда “Турк Маданияти
Йили” ўлароқ эълон қилиниши
қарорлаштирилган. “Хитой Маданияти
Йили” Туркияда бир қатор ижобий
фаолиятлар олиб борилган ҳолда
нишонланган эди.

Хитой ҳукумати 2013 йили “Турк
Маданияти Йили”да қилиниши керак
бўлган “иш”ларни Шарқий Туркистонда
турк фильм ва сериалларига таъқиқ
кўшишдан бошлади.

Шарқий Туркистондаги Уйғур
сайтининг бошқарувчиси, Турк фильм ва
сериалларининг барчасини Хитойнинг
расмий интернет тамсилчилари бўлган
YUKU ва SINA ташкилотлари томонидан
олиб ташланганини айтди.

Дунё Уйғур Қурултойи вакили
Дилшод Рашиднинг ОАВга берган
изоҳига кўра: “Қашғарда Турк
фильмлари ва сериалларини DVD
дискларда кўпайтириш ва сотиш
билан шуғулланадиган кишилар катта
миқдорда жаримага тортилган ва бир
қанчаси хибса олинган. Шулардан 16
кишининг тақдирлари номаълумлигича
қолмоқда”.

Таҳлилчиларга кўра, бу таъқиқ,
хибса олишлар ва жазога тортишлар
куни кечи Вилоят Коммунист Партияси
ийилишида сўзга чиқсан КП Баш Котиби
Чанг Су Шен нинг “Идеологик ўлароқ
миллий бўлгингиларнинг жамиятни
захарлаштирига йўл қўйилмаслиги
ва бўлгингиларга қарши куаш
шиддатининг ортириш зарурлиги”
ҳақидаги чиқишлиридан сўнг амалга
oshiрилаётгани дикката сазовордир.

www.dunyabulneni.net дан

■ «Туркистонда биттадир
Одил Ёқуб дегани»
“Жамиятда рўй берадиган
воқеаларга, адолатсизликлар-
га, жиноятларга ёзувчилар,
шоирлар масъулдирлар.”

» 3-БЕТДА

■ Туркия Бош вазири 8
яшар жажжиж ‘журналист’га
интервю берди
“...Фарзандларингиз
нечта, Тойиб амаки?”

» 3-БЕТДА

■ «Дунёнинг энг маҳзун
онаси...»
“- Минг лаънат сенга! Минг
лаънат! Ўғлининг қаттиқ
инграб юборгани онани
хушига келтириди...”

» 5-БЕТДА

■ Ислом энг жадал
ривожланаётган дин
“...Яхудийликни эса энг
заифлашиб бораётгандарга
нисбат беришган.”

» 7-БЕТДА

Қозғистонда зұравонниклар сони нега ортіб бораяпты?..



Қозғистон жанубидаги Чимкент шаҳри яқында яна ўқтар курол ишга солинган, 1 инсон ҳалок бўлгани, 9 қиши яраланиб, шифохонага ётқизилгани ҳақида хабарлар олинимокда.

Ходисанинг ходимларига маошларини бермаган ширкатда келиб чиқкан мажарога боғлиқлиги айтилган. Жанубий Қозғистон вилоят Ички ишлар ходимларига кўра, ҳодиса 6 декабр куни рўй берган.

Чимкенти Алмати билан бөлгайдиган йўл яқинидаги барпо этилаётган майший чиқиндиларни қайта ишлаз заводидаги оммавий муштлашиб келиб чиқкан. Ўқтар курол ишга солиниб, маҳаллий шифохонанинг «тез тиббий ёрдам» бўлимига етти қиши ўқтар курол жароҳати билан ётқизилган.

Кузатувчилар Қозғистонда охирги пайтларда ўқтар куроплар ишга солиниб, ўнлаб инсонлар ҳалок бўлаётган ёки жароҳатланаётган ҳодисалар сони ошиб бораётганига эътибор қаратадилар.

Мисол тариқасида шу кунларда чегарачи Владислав Челап айбдор деб кўрилаётган маҳкамам тилга олинади. Қозоқ расмийларига кўра, 31 май куни Қозғистон билан Хитой чегарасида фақат йилнинг иссиқ ойларида ўрнатиладиган вақтингчалик «Арканкерген» чегара постида 14 чегарачи ва бир ўрмончининг куйиб кетган жасадлари топилган.

Шу йил августида эса Алмати вилоятининг Или-Олату милий парки худудида 11 инсон жасади топилган.

Алматы шаҳридан узок бўлмаган Таусамал посёлкаси ва тоғлар ўртасидаги 30 чақирилмик худудда жойлашган ўрмондан топилган жасадларда жароҳат аломатлари бўлган.

Буларнинг ҳаммаси нимани англатади? Қозғистонда аҳоли қўлидаги ноқонуний ўқтар қуропларнинг сони ортіб кетаяттими?

Ё бугунга келиб биз Қозоқ жамияти «ёввойи капитализм» билан юзма-юз келаётганинг гувоҳи бўлмоқдамизми?

Қозғистонлик сиёсий таҳлилчи Дўсум Сатпаев фикрика, бу жиноятилик ҳақида ахборот кўп тарқатилаётгани белгисидир.

«Ўзи Қозғистонда жиной үнсурлар ўртасида ўзаро орани очиқ қилиш - «криминал разборкалар» ёки куроплар ишга соглан ўспириналар орасидаги муштлашувлар тез-тез юз берib туради. Отишмалар ёки экстремистик ташкилотларнинг бомба портлатишлари бундан олдин ҳам кўп марта рўй берган. Фақат бир фарқи, бундай ҳодисалар ҳақидаги хабарларни давлат тизимлари кўп ҳам ошкор қилмас эдилар. Ҳозирга келиб, бундай хабарларни жамоатчиликдан яшириш қийин бўлиб қолди. Бунинг натижасида Қозғистон ҳуқуқни муҳфоза қилиш идоралари у ёки бу ҳодиса ҳақида тезроқ хабар тарқатиша ҳаракат қилаяптилар, бу ҳодисалар ҳақида кўпроқ гапирилаяпти», дейди Дўсум Сатпаев.

Сиёсий таҳлилчи Қозоқ жамиятида ижтимоий таранглик ҳам ортган деб ҳисоблайди.

«Бу тарангликнинг манбалари турлича: Бу ерда меҳнат низолари ҳам бор, мулкни бўлиш устидан келиб чиқкан мажаролар ҳам бор. Бу нимадан далолат беради? Ҳокимият ҳар доим ҳам вазиятни назорат қилишининг уддасидан чиқолмаяпти. Ўз вақтида профилактика ишларини олиб бормаяпти. Мисол учун бизнинг амалдорларнинг бугунги ёшлар ҳақидаги тасаввурлари кам. Улар мисол учун: «нега Қозғистондаги ёшларнинг бир қисми радикаллашиб бораяпти?», «нега айрим ёшлар диний радикал гурухларга бориб қўшилаяпти?», «нега башқа бир гурух ёшлар криминал гурухларнинг орани очиқ қилиш жанжалларида катнашацияптилар», деган саволларга жавоб қайтара олмайдилар», дейди Дўсум Сатпаев

Турк Кенгашининг Диаспоралар бўйича 1-мажлиси Бакуда бўлиб ўтди

«боши 1-БЕТДА

Мажлисда уйғун кўрилган асосий хусуслар кўйидагилардир:

- Турк кенгаши қошида Диаспора ишлари бўйича масъул Вазирлар/Ташкилот өваколатли кишиларидан ташкил топган Алоқа Гурухини тузиши.

- Алоқа Гурухи «Турк Кенгаши Диаспора Форуми»ни тузиши.

- Турк Кенгаши Котибиятининг Алоқа Гурухи Котибияти вазифасини ва Қўшима Фаолият Режасининг эскизини тайёрлаши ўз зиммасига опиши.

Юқорида айтиб ўтилган қарорлар бўйича белгиланган иш тақвимига кўра Алоқа Гурухининг илк мажлисини шу йилнинг апрел ойида Истанбулда ўтказиш ва биринчи Турк Кенгаши Диаспора Форумини 2013 йил бўлиб ўтадиган Турк Кенгаши Учинчи Курултойи билан бир

вақтда ўтказилиши кўзда тутилмоқда.

Шу билан бир қаторда Диаспора ишлари бўйича масъул Вазирлар ва Муассаса Раислари келгуси мажлисини 2013 йилнинг биринчи яримда аъзо ўлкалар томонидан кейинроқ белгиланадиган бир жода бўлиши таклифи киритилди.

Мажлис сўнгидаги иштирокчилар мезбон Озарбайжон Жумхурияти Диаспора ишлари бўйича Давлат Кўмитасига ўз ташаккурларини изҳор этдилар.

Турк Кенгаши Раиси Ҳалил Акинжи, Раис ёрдамчиси Гисмат Гозалов, Проект бошқарувчилари Замин Алиев ва Хадиҷа Тугба Иқизлардан ташкил топган Турк Кенгаши Ҳайъати мажлис асносида Бакудаги Озарбайжон расмийлари билан икки томонлами алоқалар ўрнатдилар.



Турк Кенгаши Мажлиси 24 Январ Баку

Кенгашнинг кун тартибидаги турли мавзулар кўриб чиқилгани айтиб ўтган юқори даражадаги учрашувлар Ташки Ишлар Вазирлиги, Таълим Вазирлиги, Транспорт Вазирлиги, Давлат Божхона Кўмитаси, Давлат Диаспора Кўмитаси ва Дин ишлари бўйича Вазирлик билан олиб борилди.

TurkKon.org

Туркчадан Гокхан Ўзтурк таржимаси

Тутқун Уйғур ёзувчisi Нурмамат Ёсин тақдирига ойдинлик киритиш талаб қилинмоқда

«боши 1-БЕТДА

Тарқатилаётган хабарларга кўра, Нурмамат Ёсин 2011 йилда хасталиқдан вафот этган.

Ассоциация «Эркин Осиё» радиоси Мандарин хизматининг Нурмамат Ёсин оиласи билан сұхbatлашиб хабар тарқатганини ҳам маълум қўлган. «Эркин Осиё» радиосига кўра, яқинлари Нурмамат Ёсиннинг ўлгани ҳақидаги хабарни рад этганлар, яқинда уни бориб кўрганликларини даъво қўлганлар.

Бироқ Хитой ҳукумати унинг аҳволи ҳақида ҳеч қандай ахборот тарқатмаган. Нурмамат Ёсиннинг қамоқхонада жуда ёмон аҳвозда саклангани, қийноқларга солингани ҳақида хабарлар тарқалган. Нурмамат Ёсин 1974 йилда түфилган. Унинг қамалишига Қашгарда нашр этиладиган журналда «Ёввойи кантар» ҳикояси сабаб бўлган.

Бу ҳикоя шоҳ кантарнинг ўғли номидан ёзилган.

Инсон томонидан қафасга солинган кантар тутқунликда яшашдан кўра ўз жонига қасд қилишни афзал билади. «Мана энди ниҳоят мен эркин ўла олама!», дейди кантар. «Ёввойи кантар» 2004 йилда ёзилган ва Хитой расмийлари муаллифни «бўлгингиликни гикжижлаш» да айлаб ҳибса олганлар.

Нурмамат Ёсин ҳибса олинган пайтида унинг компютери мусодара қилинган, хабарларга кўра, компютерида шеърлари, ҳикоялари ва тугалланмаган - жами 1600 асари бўлган. 2005 йилда ёзувчи устидан маҳкамам қарори эълон қилинган, Amnesty International ташкилоти Нурмамат Ёсин маҳкамасининг адолатсиз ўтганини таъкидлаган. Маҳкамам уни 10 йиллик қамоқ жазосига ҳуқм этган.

«Нурмамат Ёсин аввал бошданоқ қамалмаслиги керак эди ва агар тасдиқланадиган бўлса, ёш ёзувчининг ўлими Хитой ҳукумати назаридаги аддия тизими учун шармандали айбловдир», деб айтган Amnesty Internationalнинг Осиё-Тинч Уммоми бўйича Директори ўринбосари Кетрин Бабер.

ББС Ўзбек хизмати

Хитойда Қуръон таълими олаётган 12 ёшлик бола ўлдирилган

TURKUSTAN.NET Газетасининг расмий веб саҳифасида 2013 йил 19 январ куни эълон қилинган хабарга кўра Шарқий Туркистаннинг Корла шаҳрида исми ошкор этилмаган дин олиммининг уйига Қуръони Карим таълими учун келган ва Хитой полицияси томонидан ушланган 12 ёшли Мирзоҳид Полиция марказида исканжа ва қийноқлар оқибатида жон берган.

Мирзоҳид ўтган йил 20 май куни Хитой полицияси томонидан ҳибса олинган. Эртаси куни Мирзоҳиднинг онасиға телефон қўлган полиция нозири ўғлининг ўз жонига қасд қўлганини ва унинг жасадини олиб кетишиларини айтган.

Полиция нозири Мирзоҳиднинг онасиға берган маълумотга кўра 12 ёшли Мирзоҳид бошини нозирхона деворларига ура-ура ўз жонига қасд қўлган. Полиция нозири Мирзоҳиднинг онасиға, жасадни олганларидан сўнг, бўлган воқеани бошқаларга билдирилган ҳолда дағн этишларини айтган. Хитой бошқарувининг оғир босим ва таҳдидлари сабабли Мирзоҳид 2012 йил 22 май куни яширинча дағн этилган. Дағн асносида ҳам хозир бўлган полиция нозирлари мозор бошида Қуръон ўқишиларига ҳам изън бермаганлар.

Ақшдан бу воқеа ҳақида «Эркин Осиё» (Hur Asya) радиоси Мирзоҳиднинг аслида Кучар шаҳрининг Шаэр туманидан бўлган, отасининг эса 11 йил аввали Саудия Арабистонидан бошпанга истагани ҳақида хабар берган. Мирзоҳид отасининг талаби билан Корла шаҳридаги бир дин олимидан таълим олганини қайд қўлган радио Мирзоҳид билан айни кунда яна бир талабанинг ва уларга таълим берган олимнинг ҳам ҳибса олингани, лекин уларнинг аҳволидан ҳеч қандай хабар йўқлигини айтган.

Мардикорлар касаба ўюшмаси

Айрим кузатувчилар, Марказий Осиёда меҳнат муҳожирлари тобора таъсирили сиёсий кучга айланадиганинни айтишади. Марказий Осиёнинг асосан уч давлати, Ўзбекистон, Тоҷикистон ва Қирғизистоннинг миллионлаб фуқаролари Россияда меҳнат муҳожирларидир.

Юритадиу, лекин сиёсий нарсалар борасида баҳслар йўқ.

Биз мардикорларнинг аввало сиёсий онгини ошириш учун «Эрк», «Ўзбекистон Ҳалқ ҳароати» каби ташкилотларнинг сайtlари билан танишириб, сұхbatлар, тушунтиришлар олиб бормоқчимиз. Агар улар ўз тақлифлари билан чиқиша, бу нарса амалга ошиши мумкин», дейди Абдулла Тожибой ўғли.

Ҳимоясиз қатлам

Энди мардикор бечора энг ҳимоясиз одам бўлиб қолди. Ушлаб олиб кетишиади, чўнтағида пули бўлса берib кутулади, бўлмаса обориб тикиб қўйишиади тағин. Уларнинг энг сўрайдигани: Ҳа, қаердансан? - Қашқадарёдан, нима қилиб юрибсан? Мана шундан бошланади саволи. Паспортни очиб ўқимайдики, Ўзбекистон фуқароси бўлгандан кейин Ўзбекистоннинг исталган худудида юришга ҳаққи борку буларнинг», дейди ташкилот аъзоси бўлган ҳуқуқ Рустомов.

Ҳуқуқбонларнинг фикрича, мардикорларни сиёсий кучга айлантириш учун уларнинг иқтисодий муаммоларини ечиш билан бирга, сиёсий онгини ҳам ошириши ўйлаш керак.

Афсуски, мардикорларнинг аксарияти ўз ҳуқуқларини билмайди. Бу нарса уларнинг кўп ҳолларда алданиб қолишига, ҳақиқат ўзи томонида бўла туриб, ўз ҳақлигини исбот киломаслик даражасига олиб келган.

Мардикорларнинг долзарб муаммоларини ечишга ёрдам берib келаётгани боис, мардикорлар орасида ҳуқуқбонларнинг Касаба



Абдулла Тожибой

ташкилотига аъзо бўлишига қизиқишилар катта.

Айни пайтагача фақат Тошкент шаҳрининг ўзидан 1000дан ортиқ мардикор мустақил касаба ўюшмаси ташкилотига ёзилган.

Вилоятларда ҳам ташкилотнинг вакиллари орқали бу иш йўлга қўйилмоқда. Мардикорларнинг ҳисоби, ҳозирда республика бир миллиондан ортиқ ёллама ишчилар мавжуд.

«Ўзбекистон Конст

«ТУРКИСТОНДА БИТТАДИР ОДИЛ ЁҚУБ ДЕГАНИ»



Одил Ёкубов

Хокимларни танқид қилиб тұрмаса, улар қутуриб кетади...

- Матбуот еркінлиги, деган гапга биз этибөр бермай құйдик. Газета -журнал нимага керак?! Ҳаёт бутунлай бошқача-ю радио - телевизорда бошқача қилиб күрсатылса, бу қандай гап?! Бир пайтлари мен Абдулла Қаххор билан шу мавзуда сұхбатлашиб, үзім мұхбири бұлған «Литературная газета»ға чиқарғанды. Үша мақола анча жанжалға сабаб бұлғанды. Лекин, Қаххорға ҳеч ким тегмади-ю, Қаххор үз ажали билан ўлди-ю, жойи жаңнатда бўлсин унинг.

Ҳозир телевизорни күччилик күрмайды, газетани эса, ҳеч ким ўқымай қўйди. Ҳолбуки, бизда ҳозир 590 та газета чиқади. Биронта газетада, вилоят газеталари, туман газеталарида бирон жиҳдий танқидий мақола күрмайман. Нима учун буни айтмаслик керак, нима, биз жуда жаҳонга чиқиб кетдикми, яйраб кетдикми?! Бу матбуот еркінлиги, деган шиорға биз ҳам күшилганимиз, бизам шуны айтганимиз. Бир пайтлари «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг тиражи 750 - 800 миннуга чиқиб кетганди. Обкомлар унга обуна бўлишни таъқиқлаб қўйганди, олдин партия газетасига ёзиласан, деб. Шундай шароитдаям бизларга обуна бўлувчилар сони ниҳоятда кўп эди. Ҳозир «Адабиёт ва санъат» газетаси 4 - 5 минг тиражда чиқади, журналлар 400 - 500 тага тушиб қолди. Хўш, 750 - 800 минг қаёда-ю 4 - 5 минг қаёда...

Бундай матбуотдан нима наф! Давлатгаям бундай матбуотнинг нима кераги бор?! Одамлар олмаса, ўқимаса. Буш газеталаримизнинг тиражиям ўттис мингга етмайди. Мен журналист, ижодкор сифатида яхши биламан-ки, матбуотда халқнинг дарди айтисагина - ёзилсагина одамлар унга қизиқади, унга ёзилади, уни ўқыйди. Қишлоқдаги одамларнинг газетага ёзилишгаям қурби етмайди.

Шундай шароитда биз нимани ютаяпмиз. Телевизорларимизни қачон бураманг - қўшиқ, лапар, ашула, рақс...

Бизнинг ниятларимизга қарши тұраёттан, ривожимизга тұғаноқ қўяёттан ҳокимларни танқид қилиб тұрмаса, улар қутуриб кетади, амалда шундай бўляяптиям.

Тепаям камчиликлар айтилганда дарғазаб бўлиши керак эмас...

- Баъзан әшитиб қоламиз: битта мақола учунгина ишдан кетди, деган гапни. Нимага ишдан кетди, деб сўрасангиз фалон мақола чиққанди, шу катталарга ёқмапти, дейишади. Ҳозир ишдан кетиш ҳам ўлим билан баравар бўлиб қолди. Бола-чақасини шунинг ортидан бокиб ўтирган одамнинг тақдиди не кечади? У, майли, муҳаррирларнинг ҳаммасиням ёмонлай олмайман. Муҳарриргам мұхит бўлиши керак, унга айт, қўрқмай айтавер, деган гап бўлиши керак. Бу тепадан айтилиши зарур. Тепаям камчиликлар

Одил Ёқубов - Жанубий Қозогистоннинг Туркистан шаҳри яқинидаги Қарноқ қишлоғида туғилиб ўсган, Тошкентде яшаб ижод этган буюк туркій-ўзбек ёзувлардан бири эди. Унинг «Муқаддас», «Биллур қандиллар», «Қайдасан, Марико» сингари қисса ва ҳикоялари, «Улугбек ҳазинаси», «Диёнат», «Кўхна дунё», «Адолат манзили» сингари романлари, «Фотиҳи музaffer ёки бир париваш асир», «Бир кошона сирлари» каби драмалари ўзбек адабиётига қўшилган буюк ҳиссадир. У ёзуви сифатида эмас, журналист ва арбоб сифатида ҳам кўп улуғ ишларни амалга оширеди. 60 йилларда «Литературная газета»нинг Ўзбекистондаги мұхбири, 70 йилларда Адабиёт ва санъат нашриётининг бош мұхаррiri ва Республика ёзувлар уюшмасининг раҳбари сифатида фаолият олиб борди. Буғунги кунда турли жанрларда ижод қилаётган кўплаб адиллар унинг шоғирди бўлганликларидан фахрланадилар. Машҳур кинооператор ва кинорежиссер Абдулазиз Махмуд бир неча йиллар олдин Одил Ёқубовдан бугунги ҳаёт, адабиёт ҳақидаги фикрлари ҳақида сўраб, адабни видиомасмага туширган эди. Буғун биз XX асрнинг буюк ёзувлуси - Одил Ёқубовнинг вафотидан бир оз олдин айтган юрак сўзларини Сиз азиз ўқувчиларга ҳавола қилмоқдамиз. **ТАХРИРИЯТ**

айтилганда дарғазаб бўлиши керак эмас.

Президент ўзи бориб ҳокимларнинг шунақа даҳшатли ишларини фош қилиб ишдан олајапти-ку! Шуни адабиёт олдинроқ айтса бўлмайдими, журналистлар айтса бўлмайдими. Бундай нарсалар бирор ишдан кетганидан кейингина пайдо бўлади, шундан кейингина ёза бошлаймиз.

Алишер Навоий, Қодирийлар ҳам унвонларсиз ўтишди-ку!

Жамиятда рўй бераётган воқеаларга, адолатсизликларга, жиноятларга ёзувлар, шоирлар масъулдирлар. Мен сизга яна айтаман: ёзувлар инсон, одам, банда, у бекорга ожиз банда, дейилмайди. Биз ёзверамиз, ёзувлар, шоирлар ёлғон ёзди, улар тепага қараб қолган, деб. Улар ҳам ожиз банда, биринчидан, бола - чақаси бор.

Энди шу ўйлга бус-бутун шўнғиб кетмаслик керак. Ёзувлар, шоирлар яхши гапнинг қули. Улар ҳам бошқалар каби унвонларни, яхши гапларни ёқтиради. Мен ўйлайман-ки, аслида мана шу унвонлар ҳам ўзи керак эмас нарса экан. Унвонлар уларни олганларга обрў келтиради, лекин, соҳта обрў келтиради, ҳақиқий эмас.

Ҳали вактлар келади-ки, бундай шоирларга, ёзувларга ким бўлганлиги айтилади, беш марта қаҳрамон бўлсаям айтилади. Шунинг учун ҳаёт билан, ҳақиқат билан ўйнашиб бўлмайди. Яхшиси, чеккага чиқиб олиш керак. Демак, ёзганингиз ёқмас экан, бошқа нима қиласиз. Мана, бизда ёзувлар уюшмаси бор, ўлик ёзувлар уюшмаси. Мен ўз давримда яхши бўлган демоқчи эмасман. Лекин, ўша пайтларда Нишоновлар ҳам келиб ёзувлар олдида хисобот берарди. Горкомнинг залига одамлар сифмай кетарди ва истаган саволларни беришарди. Нишонов бўлсин, Раъно Абдуллаева бўлсин, уларга жавоб қайтаришарди.

Ҳозир мутлақа ундей эмас. Бир давлат маслаҳатчиси бор, адабиёт билан шуғулланадиган, исмими айтмайман, йигирма йилдан бери ишлайди. Ўшам ямаслаҳат бериб турса керак-да...

Баъзан ўйлаб қоламан: бир қанчамиз қаҳрамон бўлиб кетдик. Лекин, шундан кейин бундай қаҳрамонларимиз, тоқақал, биронтаям яхши шеър ёзмадилар. Илгариям шоирлардан хукуматга нисбатан яхши муносабат талаб қилинади. Шароф ака давридаям, ундан олдинги даврлардаям. Унвонлар бериларди, мукофотлар бериларди. Бундай ўйлаб карасам, ёзувларга, шоирларга унвонлар керак эмас экан. Ахир, Алишер Навоий ҳам, Қодирий ҳам, Чўлпон ҳам, бошқалар ҳам ҳеч қандай унвонларсиз ўтишди-ку! Унвон олса, ўшалар олишлари керак эди.

Иқонликлар пахтага яхши пул тўлайди...

- ...Мен туркистанликман, энди ёшим бир жойга келиб қолгани учун у ёққа кўп боравермайман. Шуни биламан-

ки, у томонлардаям пахта экишади, лекин, ким хоҳласагина экади. Баъзан борганимда ҳамқишлоқларим айтишадики, иқонликларнинг пахтазорларида ўзбекистонликлар оилалари билан кўчиб бориб ишлашар экан. Мана шу қишлоқдагилар аристократ бўлиб кетишибди, улар пахтага хотинлариням чиқармайди, болалариням чиқармайди. Чунки, пахтанинг барча ишларини ўзбекистонликлар берамиз, дейишиди. Улар (ўзбекистонликлар) қишида келиб сугориб кетишиди, баҳорда келиб экиб беришади, чопигиниям ўзлари қилишиди, ҳосилиниям улар теришиди дейишиди. Иқонликлар бутун оқсусяк бўлиб кетишиган. Қишлоқ бошқача бўлиб кетган, одамлар бадавлат бўлиб кетган.

Уларнинг териладиган пахта учун бериладиган пули бизнидан беш - олти баравар ортиқ. Бизда эса, бунга арзимаган ҳақ тўлашади. Мен болалигимдан пахта билан араплашиб ўсганман, унинг машақатларини жуда яхши биламан. Шунинг учун ҳам пахтани - ғўзани ўзбекни қуритган ўсимлик, деб биламан. Уни шоирларимиз шеър қилади, композиторларимиз қўшиқ қилади. Ҳар кило пахтани териш учун одам камидан юз марта эгилади, унга бериладиган пул эса, юз марта эгилганинг ўн мартағисигаим тўғри келмайди.

Улар, балки, юзга киришар, аммо...

Ҳозир бизни бошқарип турганлар калта ўйлайдилар. Улар, балки, юзга киришар. Аммо, бу ёш ҳаммагаям наисбетаврмайди, ўн минг, ҳатто, юз мингдан битта одам юз ёшга етиши мумкин. Эндиликда, бугун нима бўлсаям яшаб қолай, деган маънода ижод қилиш тўғри келмайди.

* * *

ОДИЛ ЁҚУБНИ БИР ДАВРАДА КЎРИБ...

Одил ака, нетасиз, бу нодонлар ичинда, Ҳеч юрганми, арслон кўрсичонлар ичинда?!

Даврангиздир Улугбек, Мир Алишер давраси, Жойингиздир Қодирий, эр Ҷўлтонлар ичинда.

Нонингиз бўлмаса гар, ишилб сизни боқайин, Мардикорлар бозори - нотавонлар ичинда.

Туркистанда биттадир Одил Ёқуб дегани, Юрган тўнгиз, тулки, мор ва чаёнлар ичинда.

Ярашади бўлсангиз, Чингиз Айтмат ёнида, Қадам босманг, муроди устихонлар ичинда.

Ю. ТУРКИСТОНИЙ

Туркия Бош вазири 8 яшар жажжи «журналист»га интервью берди



Туркия Бош вазири Ражаб Тойиб Эрдўғон учун журналистлар билан мулоқот - деярли ҳар ой кун тартибида турадиган масалалардан бири.

Бу гал Бош вазирдан интервью олган «журналист»нинг ёши саккизда ва бу унинг уй вазифаси экан.

Анқарадаги мактабларнинг бирида таҳсил оладиган иккинчи синф ўқувчиси Ҳале Ханчериран Бош вазир билан парламент йигинидан аввал учрашиб, ундан уй вазифасини бажаришда ёрдам сўради.

Уй вазифаси «Сиёсатчи билан интервью» деб номланган эди ва Эрдўғон жаноблари бу таклифи қабул қилди.

«Фарзандларингиз неча, Тойиб амаки?»

Қизалоқнинг бу биринчи саволига Эрдўғон жаноблари: «Икки ўғил ва икки қизнинг отасиман», деб жавоб берди.

Шундан кейин, Ҳале: «Бош вазир бўлиш осонми», деб сўради.

Бош вазирлик мұхим ва маъсулиятли вазифа эканини айтаркан, Эрдўғон жаноблари бу билан ватан ва ҳалққа хизмат қилиш ҳам шарафлигини таъкидлadi.

Қизалоқни яна қизиқтиргани шунча маъсулиятли иш билан ҳам нима учун Эрдўғон жаноблари «чарчаб қолмаслиги» билан боғлиқ савол эди.

Бош вазир бирор заарарли одати йўқлиги, ичмаслиги ва чекмаслигини айтди. Ўз ишидан ортаслигини ҳам эътироф этди.

Ҳале Бош вазирнинг шунча ишу ташвишдан ортиб фарзандларга қандай вақт ажрата олиши билан қизиқди.

Бош вазир болаларидан учнафари ўз оиласига эга экани, ҳозир унинг ҳатто уч нафар набираси ҳам борлигини маълум қилди.

Саккиз яшар ёш «журналист» сұхбатдан кейин Бош вазирдан қўғирчоқ совға олди.





20-30-йилларда яшаб ўтган пролетар шоирлари халқнинг асрий даррлари асосида эмас, янги тузилган ҳукуматнинг қарор ва кўрсатмалари, тарғибот ва ташвиқотлари таъсирида ҳаётнинг «ёруғ» томонларини, «қувонч ва шодликлари»ни тараннум этишгани каби XXI асрда яшаб ижод қилаётган айрим шоирлар ҳам шу руҳда асарлар битишмоқдаки, бу ходиса ижтимоий-эстетик нуқтаи назардан ажабланарлидир.. 20-30 йилларнинг шоирлари ижодида бу хил тенденция қайдаражада оммалашиб кетганлигини қуидаги мисралардан ҳам билиш мумкин:

Кувноқ руҳим қайғу-алам, ҳасрат нима билмайди,

Яшамоққа порлок умидларим кулиб турганда.

(Файратий)

Унганман қип-қизил шуъла қўйнида,
Ғам-алам, қайғуга улфат эмасман.

(Комил Яшин)

Бир ватанким, бунда йўқдир дард ва ҳасратдин нишон,

Бир ватанким, ер ва осмонида одам топди шон.

Бир ватанким, ҳар гулистонида мангуудир баҳор,

Бир ватанким, бунда элнинг баҳти мангубарқарор.

(Ҳамид Олимжон)

Биз бу ўринда шоирлар замондошларининг баҳтиёргиши ва шодлигини умумлаштириб очиқ эътироф этган айрим мисраларни келтирмоқдамиз. Бундай мисралар бошқа шоирларнинг асарларида ҳам кўп...

Аслида 30-йилларда шўролар матбуоти ва уларнинг шоирлари айтаётгандек, ҳамма ёқ дориломон, олам гулистон эмасди. Ҳаётда ўзига хос қийинчиликлар, мураккабликлар кўп эди. Халқимизнинг қишлоқда яшайдиган қисми ўша замондаги бошқа ривожланган мамлакатларнинг дехқонлари билан солиштирилганда хор-зор яшарди. Бунинг устига жамоа хўжаликлари тузилган пайтларда бой дехқонларгина эмас, ўзига тўқ кишилардан минглаб оиласар қулоқ

қилинди... Бу хил воқеалар юқорида номлари айтилган шўро шоирларига камроқ, ўзбекнинг қалб уришини ҳис этувчи адибларга эса, кўпроқ таъсири кўрсатди. Хусусан, Ойбекнинг 20-йиллардаги айрим шеърларида, Усмон Носирнинг баъзи асарлари орасида маҳзун руҳли кишилар кайфияти ҳам ифодаланди. Ҳамид Олимжоннинг «Бир япроқ», «Мешчан хотин» сингари асарлари ҳақида ҳам қисман шундай дейиш мумкин. Аммо моҳият эътибори билан олиб қараганда, Файратий, Комил Яшин, Ҳамид Олимжон шеърларида ҳаёт ҳақиқатини бир томонлама, кўтаринки руҳда ифодалаш кучли эди... бунинг сабаблари кўп. Биринчидан, Ҳ. Олимжон, Файратий, К. Яшин каби шоирлар эски қуллик даври билан янги советча қуллик даври ўртасидаги (айтайлик чорикорлар ҳаёти билан колхозчилар ҳаёти ўртасидаги) фарқни англамай, шўро тарғиботи таъсирида шеър битганлар...

Афсуски, тарих тақрорланаётганга ўхшайди. XXI асрнинг кўпгина шоирлари ҳам ақл эмас, эҳтирос

Бахтим шуки, ўзбекнинг ўғлимани мен. Қишида сўлим ёз бўлиши ҳақидаги гаплар қанчалик ҳавои бўлса, мамлакатда адолат қарор топганилиги ҳақидаги мисралар ҳам шу қадар баландпарвоз ва юзаки. Ҳурлик туфайли (қандай ҳурлик ҳақида гап кетаётгани номаълум, ўз ерига нима экишини ҳокимиятдан сўраётган фермер ҳурми?!) қаддимиз ўсиб, дароз бўлгани, эркни (қайси эр?) қутлаб созлар жаранглаётгани шунчаки юзаки сўзлар эканлигини ҳар бир шеърхон тушуниб турибди. Ошиқ Эркиннинг мисраларида чинликкина эмас, бадиият ҳам йўқ. У конфликтсизлик йилларида зўрма зўраки ёзилган машҳларни эслатади. Шоир машқи давомида ёзади:

Кўкка парвоз қилиб, гар солсан разм,
Ўлкамиизда ҳар куни тўю базм, –

Қоғилярининг одимилиги, сатрларнинг тутириқлизиги, ҳақиқатдан ийроқлиги шоирнинг ҳақиқатан ҳам осмонда юрганидан далолат беради. Хоразмда яшаетган бу шоир осмондан пастроққа тушиб, Россияга ишга кетиб Устюртдаги қор ва бўронда ўлган

Ўзбекистон ҳақида тўлароқ ахборотга эга бўлган киши Ўзбекистон гуллаб яшнамаётганини билади ва бу хил кўшиқлардан кулмай иложи йўқ. Кейинги сатрлар булардан ҳам аломат:

Давлатинга кўз тегмасин,
Савлатинга кўз тегмасин,
Она юртим, парвозингга,
Гайратинга кўз тегмасин.

МДХ давлатларининг деярли ҳаммасидан иқтисодий орқада бўлган, ошкоралик ва демократиянинг белгилари ҳам бўлмаган, қишлоқларидаги халқи қорин тўйдириш илинжи билан яшаётган бир мамлакатнинг чет бир вилоятида яшаётган шоирни шундай сўзларни айтса, машҳур ҳофизи кўйласа, бутун дунёнинг онги аҳолиси кулмайдими?!

Ўткир Раҳмат деган журналистдан чиқкан шоир “Бободехқоним” шеърида шўро давридаги дехқон билан ҳозирги дехқонларни солиштироқчи бўлади. Унингча дехқон: “Авваллари ўз боғида ўзи бегона, Кун кечирид гёй бир қирол. Ўзга қўшиқ айлаб девона, Сарсон кезди хитобу савол?!” Янглишмасам Ўткир Раҳмат шўро даврида Матбуот давлат қўмитасида ишларди. Энди Шўро даврида босилган мақола ва шеърлар ёлғон бўлиб қолидимики, бир неча йил ўтиб - ўтмай Ўткир Раҳмат буғунги дехқоннинг нақадар баҳтилиги ҳақидаги: “Бошингдаку офтоб ойинг бор. Биллурдайин мусаффо осмон. Тўрт фаслли ажиб бир диёр, Қўйнида сен саломат омон...” (2007. 30 июнь) сатрлари уялтириб қўймасмикан? Ёки бу сатрларни шўро даврининг буғунги оддий дехқонларига ўқиб берса, шоирни: “Биз ўша даврда анча – мунча ойлик маоши олардик. Ҳозирда далада ишлаб пул олаётганимиз йўқ. Шундай экан, халқни алдаманг”, деб уялтириши ҳам мумкинли?! Исиматулла Йўлдошев деган ҳаваскор шоир ўз устозларидан ўтишга ҳаракат қилиб ёзади:

Хурриятга пешваз чиқкан карвон бу,
Эл бошига офтоб теккан замон бу.

Бу офтоб қандай офтоб экан?
Бошга тегиб минглаб кишиларимизни лаҳос қиласидиган офтобмасмикан?
Хурриятчи? Қандай хуррият? Ўз фикрини очиқ айтольмайдиганлар, адилари, журналистлари тўғри гапни ёза олмайдиганларнинг хурлигими, бу!?

Ўз ижодини маддоҳликдан бошлаганларга жуда оғир бўлади...

Бир марта зино қилган аёл бу ҳунарга ўрганиб қолгандай, умри маддоҳлик билан ўтиши мумкин...

Ботир НОРБОЙ

Филология фанлари

Маддоҳлик даврлар оша ТАКРОРЛАНАДИМИ?

(XX асрнинг 20-30 йиллари ва XXI аср бошларида маддоҳликнинг ўхшашиллари ҳақида...)

бандаларидағи фикр юритмоқдалар. Улар А. Орипов айтганидай: “Мукофот берингиз менга мукофот” дега кўлларини ёйиб илтижо килишаётганга ўхшайди. Ушбу газетанинг 6-сонида берилган “Элдан кейин айтинг баҳтиман сўзин” мақоламизда ҳам қисман айтганимиздай, бу номдор шоирлар умрларининг маълум қисмини маддоҳликка боғишлишади. “Катта” шоирларнинг бу хил маддоҳликлари оддий шоирларни ҳам илҳомлантироқда. Ишқий эротик машқлари билан шуҳрат қозониб юрган Ошиқ Эркин (фамилияси Мадраҳимов) шулардан биридир. Ошиқ Эркин “Гулистон” журнали (2008 1-сон) да босилган бир (“Мен ўзбекнинг ўғлимани”) шеърида буғунги замондан шод кишининг ҳис-туйғуларини акс эттироқчи бўлади. Шоирнинг миясида ҳозирги даврда халқ қанчалик баҳтиёргини ифодалашдан ўзга мақсад йўқ:

Бизнинг элда ҳатто қиши ҳам сўлим ёз Юзлаб миллат адолатдан сарафроз, Эркни қутлаб жаранглар соз узра соз. Ҳурлик боис бўлди қаддимиз дароз, Юрак бағри күёшдай чўғлимани мен,

ердошларининг оиласарига ҳам бир назар солса, бу мисраларни битмаган бўларди. Агар айтилганларга амал қилганида “Юртим, гўзалсан мунча ҳам” шеъридаги:


Топиб ўн олти йилда шон,
Олқишиларга бўлдинг нишон,
Яйрайди бағрингда ҳар жон,
Давронимиз дориломон, –

сингари юзаки гаплар ҳам ёзилмасди. Қўшиқчи шоир ҳаётдаги муаммолар ҳақида ўйлашга, ёзишга интилмайди, хаёлида бошқа нарсалар: қандай қилсан юқорига ёқаман, қандай қилсан халқ шоирни унвони ёки орден медаллар оламан, деб ўйласа керак... Афсуски, унинг ҳофизлар куйлаётган қатор манзумаларида шу руҳ, ҳатто тўғридан – тўғри маддоҳлик тамойили хукмон. Унинг бир шеърида уялмай нетмай шундай дейилган:

Аллоҳ ёр экан, ўзбегим,
Бахтинг бор экан, ўзбегим,
Бошгинанга кўнди Ҳумой,
Бахтинг бор экан, ўзбегим.

Бу одми, жўн мисраларни Олмаҳон Ҳайитова жаранглатиб ашула қилган ва саҳналарда куйланмоқда.

“Парвозайламоқниунутар
эмши,
Фақат тупроқ титиб, дон
излаган қуш”,



“Булбул ҳалок бўлар экан,
бир мавсум сайраб,
Қарға эса, ахлат титибуч
юз йил яшар”.



“Бубулнинг ҳам фақат
эркаги сайдайди,
Макиён товуқ ҳеч қачон
қичқирмайди”.

“Бичилган қул ўз хўжасин
авратин мақтар”.

Д. БЎЗҚУРТ

Ҳикматлар:

“Нодон билан баҳсадан йўқ
сира фойда,
Танбур садо бермагай
карнай бор жойда”.



“Бу юртнинг ҳатто таърихи
баланд тоғлари,
Осмонга бўй чўзиб,
тиланиб яшар”.



Хуршид Даврон
Ўзбекистон халқ шоири

Кеч тушиб, куни билан оламни бузган шовқин-сурон тинди. Мотамсаро ой ёргуи ёритиб турган Чубук дарёси билан Қизилчак юрагидаги жанггоҳдаги сукунатни фақат ўликлар билан аралаш-қуранаш бўлиб ётган ярадорлар ва жон бераётганларнинг ингроклари, эгасиз қолган, бесаранжом ва ўюм-уюм мурдалардан ҳайниб, юришга йўл тополмай безовталанган хуррак отларнинг нотинч кишнашлари бузарди. Бу кенг майдонда қандайдир бир соя жонсиз жасадлар орасидан зўрга қадам ташлаб, тентира бораради. Булутлар

ДУНЁНИГ ЭНГ МАҲЗУН ОНАСИ

(“Темурбек ва Улуғбек” қиссасидан парча)

чангалидан юлғиниб чиқсан ой шуъласи устига тушди-ю, соя қиёфаси ёриши. У ўғли жасадини излаб юрган Она – турк онаси эди. Она кўзларидан оқаётган шошқатор томчилар ой нурида ялтираб товланарди. У фарзанди исмини айтиб чақирап, фарзандига атаган ширин сўзларини айтиб бўзларди. Унинг бу бўзлашлари бир-бири билан урушиб, бир-бирини чавақлаган ва қийналиб жон бераётган ҳар икки тараф навкарлари учун яқин ва таниш эди. Бечора она тилидан кўчган сўзлар ҳар икки томон англайдиган тилда – турк тилида эди. Бир тилда сўзлашган, аммо ҳукмдорлари тил тополмаганлари учун бир-бирларига тиф ўқталган навкарлар дунёдан кўз юмиш олдидан қулоқларига эшитилган она ноласи остида, узоқларда қолган волидалари номларини тилга олиб, жон берардилар. Онажангоҳда узоқтентираб юрди. Узоқваёт унинг ноласи ой нури чулғаган майдон узра гоҳ кучайиб, гоҳ пасайиб жаранглаб турди. - Ўғилгинам!.. Ўғлоним!.. Мехметим!.. – хитоб қиларди онаизор йиғи ва қайғудан заифлашган титроқ товуш билан. Баъзан юракни эзувчи йиғи онани бўғиб, сўзини бўлиб кўярди. Шу куйи у жанггоҳни уч айланди. Шу пайт она кулоғига инграган товуш эшитилди. Дам ўтмай инграган товуш яна эшитилди, инграган одам энди қандайдир бир сўзни айтгандай бўлди. Аёл товуш чиқариб, жуда секинлик билан унинг номини айтганини эшитди. Аёлнинг аъзойи бадани титраб кетди, пешонасидан маржон-маржон совуқ тер чиқди, даҳшатдан кўзлари қинидан чиқиб кетай деди. Кимдан сўраётганини ўзи ҳам билмасдан, баланд овоз билан сўради: - Ким у?.. Мени чақираётган ким? Жавоб эшитилмади. Аммо дам ўтмай.. Она донг қотиб қолди, кўзлари даҳшатдан кенгайиб кетди. У ўғлининг товушини таниган эди. - Анне!.. Аннеким! – деди ўғлининг товуши. - Ё тавба! Ё Худойим!.. – Эсини йўқотгудек ҳолатга тушган она бақириб юборди. – Наҳотки?! ...Наҳотки, бу

Хуршид Даврон Ўзбекистонлик таниқли шоир ва ёзувчи. У қўплаб шеърий ва насрий асарлари билан кенг китобхонлар оммасига яхши таниш. Х. Даврон «Темурбек ва Улуғбек қиссаси» ҳужжатли асарида тарихий фактларга асосланиб Амир Тумур ва Боязид аскарлари ўртасидаги жанг манзараларини ҳам баён этган... Қуйида биз асардаги шартли маънида «Дунёниг энг маҳзун онаси...» деб атаганимиз бадиий парчани ҳавола этарканмиз, икки турк ҳукмдори бир-бирига тиф тортгани учун қандай даҳшатли ҳоллар юз берганини эслатмоқчимиз. Айни замонда, бу парча оналаримизнинг XX аср охириларида ва XXI аср бошларида Фарғона, Ўш, Ўзган ва Жалолободда бўлиб ўтган фожиалардан кейинги фарёди ҳамдир...

сен бўлсанг, ўғлоним, Мехметим?! Она товуш келган томонга бир дақиқа анграйиб қаради-да, кейин бирдан мурдалар устидан ҳатлаб, эсини йўқотган телбадек талмосираб югуриб кетди. Ниҳоят, ўша жойга етиб бориб, ўғлининг товуши бир-бирининг устидан қалашиб ётган жасадлар орасидан чиқаётганини билди. Сўнг анча зўр бериб, ўғли танасини уюм остидан тортиб олди. Ой нури боласининг юзини ёритди. Кўзларидан шашқатор ёш оқиб турган онаизор қаттиқ ҳўнграб юборди: - Бу қандай кўргулик бўлди? Ким сени бу ҳолга солди? У бирдан ғазаб билан қаддини ростлаб, қўлини кўтариб кимгadir таҳдидона бақири: - Минг лаънат сенга! Минг лаънат! Ўғлининг қаттиқ инграб юборгани онани ҳушига келтириди. У ўғли устига эгилиб, унинг юз-кўзидан ўпаркан, синик товуш билан бўзлади: - Тирикмисан, болам, тирикмисан?!.. Худойимга минг қатла шукур, минг

разм соларкан, донг қотди. Йигит ўғлига ўхшаб кетарди. Ўшандай қуюқ қошлар, ўшандай қирра бурун, ўшандай қалин лаблар, ўшандай навжуон, ўшандай келишган... Ё раббим, улар икки томчи сувдек бир-бирларига ўхшар эдилар! Фақат она бу инграб ётган йигитнинг уст-бошидан уни туркистонлик эканини фаҳмлади. Қачонлардир унинг отабоболари яшаган Туркистондан... Балки бу йигит бобоси она юртимиз деб ривоят қилган Нурота тоғларидандир?! Нега у ўз хешлари бошига қилич кўтариб келди?! Шуларни ўйларкан, она йигитга нисбатан на қаҳр, на нафрят түйди. Фақат унга раҳми келди, холос. Туркистонлик жангчига яқинлашган аёл эгилиб йигитнинг ярасини кўздан кечирди. Елкаси чопилган, кўп қон йўқотиб узок хушсиз ётган, ранг-рўйи қордек оппоқ йигит онадан кўзини узмасди. У ўзини дунёга келтирган онасини кўриб турарди. Қарноб даштида чўпонлик қиладиган отаси қаерда экан? У гўё иситмалаб ётиби-ю, онаси унга парвона бўлиб турибди. У жилмайиб

Ю.ТУРКИСТОНИЙ

Турон қачон яхши бўлган?

“Замон ёмон бўлди”, - дейсан,
Қачон замон яхши бўлган?
“Илон ёмон бўлди”, - дейсан,
Қачон илон яхши бўлган?

Минг йил бурун курт - курт бўлган,
Ҳамон куртдир, ҳамон куртдир.
“Султон ёмон бўлди”, - дейсан,
Қачон султон яхши бўлган?

Зоғлар зоғдир азалдан ҳам,
Эртага ҳам зоғлар зоғдир.
“Зоғлар ёмон бўлди”, - дейсан,
Зоғлар қачон яхши бўлган?

“Оғзи ола элдир”, - дединг,
“Кулдир”, - дединг, “Чилдир”, - дединг.
“Турон ёмон бўлди”, - дейсан,
Турон қачон яхши бўлган?

1995 йил 20 сентябр



Дўстга жавоб

“Асил эдик, бузилдик”, - дейсан. -
Келгиндилар бизни буздилар”.
“Каламдайин эзилдик, - дейсан. -
Эртамизга чизик чиздилар”.

Абдуллатиф—миллат заволи
Кайси ёвнинг багрида ўси?!
Улуғбекдан туғилган золим
Улуғбекнинг бошини кесди.

Нодирани бўғизлади ким?!
Кайси юртдан келган келгинди?!
Бу миллатнинг юраги доим
Ўз қиличи билан тилинди.

Биз заҳ ерда кўкарган гулзор,
Бошимизни шўримиз еди.
Қонимизда бўлмаса губор,
Келгиндилар келолмас эди.

2001 йил 24 марта



Туркистон

Бу тупроқнинг дехқонлари бир,
Бир-бирига оға бўлади.
Ўзбек агар отаси бўлса,
Қирғиз унга тоға бўлади.

Бу тупроқнинг фозиллари бир,
Таънаси йўқ, йўқдир таъмаси.
Агар қозоқ холаси бўлса,
Билинг туркман эрум аммаси.

Бу тупроқнинг меъморлари бир,
Бир-бирига ҳамиша ҳамдам.
Ахир бўлган аждодларимиз,
Битта шаъмнинг атрофида жам.

Шоирлари бирдир, хор, мискин.
Бирдир фами, бирдир дорлари.
Бирлашади туркийлар, аммо,
Бирламайди, амалдорлари.

1995 йил, июль.



МУСТАФО ЧҮҚАЙ КИМ ЭДИ?

Mustafa Çökay Сенегат 1924
Reproduced by Kursat

Мустафо Чүқайга ўшаган одамларни «босмачилик ҳаракатининг асосий сабабчиси» қилиб кўрсатиш омманинг диккат-эътиборини тарих ҳақиқатидан чалғитишдан бошқа нарса эмас...

Мустафо Чүқай Туркистонда «босмачилик ҳаракатини» яна шунинг учун уюштира олмас эди, у 1918 йилнинг ўрталарида ёк Туркистондан чиқиб кетишига мажбур бўлганди. У бир неча муддат Кавказда Тифлис шаҳрида туради, кейин хорижга кетади. Чет энда Мустафо Чүқай Париж ва Берлин шаҳарларида истиқомат қилган, Туркияга тез-тез бориб-келиб турган. У мухожириклика 20 йилдан ортиқроқ ҳаёт кечириди.

Бу даврда самарали ижод қилди ва кўпигина илмий мақолалар, бир қатор тадқиқотлар яратди. Мустафо Чүқай Туркистондалигига ёткір мақоланавис сифатида кенг танилган эди. Дастрлаб у «Улуғ Туркистон» рўзномасида фаол қатнашади. Бу нашр 1917 йилда Тошкентда «Яшасин миллатлар муҳторияти!» деган шиор билан чиқкан ва у «халқининг юздан тўқсан саккизи мусулмон бўлган Туркистон ўлкасида ҳалқ идорасининг хориждан келган аскар ва ишичилар қўлига ўтишига туркистонликлар рози бўлмаяжаклар» деб ёзганди. Мустафо Чүқай шу рўзноманинг энг мумтоз музаллифларидан бири эди. 1917 йилнинг ўрталарида Тошкентда «Бирлик туви» деган газета ҳам чиқа бошлади. Мен салкам қирқ йил муқаддам аспирантурда ўқиб юрган кезларимда В. И. Ленин номидаги Давлат кутубхонасининг қироатхонасида ўтириб, бу иккни рўзноманинг айрим сонларини варақлаб кўрган, ҳатто «Улуғ Туркистондан Ҳамзанинг «Туркистон мўхториятига» деган катта манзумасини тўла кўчириб олган эдим. Ўшанда бу рўзноманинг сарғайиб кетган саҳифаларидан олис 1917 йилнинг ола-ғовур садолари келаётгандай туолганди менга.

1918 йилда Тошкентда яна бир нашр пайдо бўлди. Бу — «Свободный Туркестан» деган русча рўзномадир. Муҳими шундаки, бу рўзноманинг моддий таъминоти ҳам Мустафо Чүқай зиммасида эди. У турли тахаллуслар остида рус тилида мақолалар ёзиб, мазкур нашрда мунтазам қатнашиб турган. 1942 йилда Мустафо Чүқай вафотининг бир йиллиги муносабати билан Истамбулда Намуна матбаасида альбом чиқарган доктор М. Делил унинг мақоланавислик фаолияти тўғрисида фоят қимматли маълумотлар беради. Унинг кўрсатишича, адиб 1919—1920 йилларда Кавказда камида тўртта нашр чиқишида қатнашган. Булар — 1919 йилда рус тилида Тифлисда чиқкан ҳафталик «Вольные горцы» нашри — унда Мустафо бейнинг Туркистон масалаларига доир мақолалари бор; «На рубеже»

— бу рўзнома эмас, мажмуя. У Тифлисда Туркистон ва Украина миллий марказларининг моддий ёрдами билан чиқарилган. Русча мажмууда Мустафо бей «М. Чанай» ва «Жалил» деган номлар билан мақола ёзган. Яна — «Янги дунё» — 1920 йилда Шимолий Кавказия миллий ташкилоти биланг Туркистон миллий маркази бирлашиб чиқарган рўзнома. «Шафақ» рўзномаси ҳам Тифлисда Мустафо бейнинг бош мухарриргида чиқарилган. Табиийки, буларда ҳам унинг мақолалари мунтазам босилиб турган. 20-йилларнинг охириларида Истамбулда «Янги Туркистон» деган ойлик мажмуя чиқа бошлади. У 1927 йилдан 1931 йилнинг июлигача нашр этилди. Сўнgra Мустафо бейнинг бош мухаррирги ва сиёсий раҳбарлиги остида Берлинда 10 йил мобайнида (1929—1939) чиқиб турган мажаллани эсламоқ даркор. Доктор М. Делилнинг тасдиқлашича, бу мажалла «Чўқайнинг миллий мағкурасини ва Туркистон турклиги миллий ҳаракатини ғоятда ойдин бир суратда акс эттира билмишdir».

Мустафо Чўқайнинг Туркистон тарихи, миллий уйғониш ҳамда озодлик ҳаракатининг долзарб мунаммолари ҳақида баҳс юритувчи асрлари француз, инглиз, поляк тилларида ҳам босилган. Унинг мақола ва рисолалари Туркистон ҳақида шу қадар муҳим маълумотлар берганки, бу ўлка ҳаётини тадқик қилувчи олимлар уни четлаб ўтломаганлар. Масалан, 1942 йилда немис тилида «Туркистон» деган ҳажман ийрик бир асар чоп этилади. Муаллифлари Р. Олща ва Г. Клайновларнинг таъкидлашича, 434 саҳифалик бу асарнинг 363—409-бетлари Мустафо Чўқай қаламига мансубdir.

Кўриниб турибдики, Мустафо Чўқай муҳожириклида юрганида ҳам бирор дақиқа бўлсин Туркистон мустақиллиги ғоясидан чекинган эмас. У ўзлаб мақолаларида бу ғояни тарғиб этган, бир кун келиб, Туркистон осмонида озодлик куёши нур сочажагига ишонишдан тўхтамаган. Бироқ минг афсуски, биз бу улкан зотнинг ҳамма асарларни билмаймиз. 1950 йилда Истамбулда «Ёш Туркистон» нашириётида доктор А. Оқтой туғилган кунининг 60 йиллиги муносабати билан «Туркистон миллий ҳаракати ва Мустафо Чўқаев» деган китоб чиқарishган экан...

1927 йилда Октябрь инқилобининг 10 йиллиги муносабати билан Москвага француз ишичилари делегацияси келади. Унинг бир қисми Ўзбекистонга сафар қилиб, бир неча кун Республика ҳаётি билан танишади. Бу ерда франциялик вакиллар «Туркистон миллий жумхуриятларида кўз кўриб, кулоқ ёшитмаган» ўзғарышлардан ҳайратланни ҳаяжонга тушадилар. Уларнинг назарида Туркистонда ҳамма ёқда эркинлик салтанати барпо этилган, миллий масала узил-кесил ҳал этилган, ҳалқ фаровон ва бахтиёр ҳаёт кечиради, ҳар қандай сиёсий, ижтимоий, иқтисодий муаммолар тегишли ечимини топган...

Делегация раҳбари жаноб Гаше дейди: «Бизни буёққа жўнатган француз ишичиларига совет давлатида миллатлар тенглиги қарор топган ҳаётни кўрдик деб етказамиз. Менинг ўзим бунга сираям шубҳа қилмайман».

Делегация аъзолари Парижга кайтгач, бу таассуротларини жамоатчиликка изхор этганми-

йўқми — маълум эмас. Лекин муҳожириклида яшаса ҳам Туркистон ҳаётини синчковлик билан кузатиб борган Мустафо Чўқаев мазкур фикр-муҳозазалардаги бир томонламаликка сира токат қиломаган. Натижада у «Туркистон Шўролар ҳокимиияти даврида» деган каттагина мақола ёзади ва уни 1928 йилда эълон қиласди... Мақоланинг аҳамияти ҳақида Пьер Реноель ёзади: «Бу рисола минг-минглаб туркистонликлар мустабид тузум курбони бўлганини тўғрисида гувоҳлик беради; бу рисола бутун мамлакатни жаҳолат бошқарётгани, шу маънода, айrim большевикларнинг ўзлари ҳам эътироф этганлари каби, марксизм-ленинизм деб атальмиш таълимот, фақат сароб-найранг эканлиги тўғрисида гувоҳлик беради, бу рисола аграр революция ниқоби остида қишлоқ ҳўжалигини ёппасига жамоа-жамоа қилиб, ёппасига мажбурий эксплуатацияга тайёрлаётгани, бутун иқтисодиёт



Мустафо Чўқай парки очилиши. Франция

фақат алдовга ва ташиб кетишига мўлжалланаётгани тўғрисида гувоҳлик беради. «Бу сўзлар бугун эмас, кеяни эмас, 63-йил аввал — 1928 йилда ёзилган. Бугун эса биз бу гапларнинг мутлақо ҳақиқат экани тарих томонидан тўла тасдиқланнига гувоҳ бўлиб турибмиз...»

Маълум, совет ҳоқимияти инқилобининг дастлабки йилларида Туркистонда даҳшатли очлик юз берган, оқибатда, совет матбуотининг хабар беришича, 1 114 000 одам ўлган эди. Мустафо Чўқаев бу очликни большевиклар онги суратда уюштирганини ва «дунёнинг ҳеч бир бурчагида бундай мудхиш тарзда синаб кўрилмаган «очлик сиёсати» орқали миллий озодлик ҳаракатига зарба бермоқчи бўлганини исбот қиласди. Бунинг учун у ўша пайтда катта мансабларда хизмат қилган Турор Рисқулов китобидан парча келтиради: «Туркистондаги Октябрь тўнтаришининг раҳбарларидан бири Тоболин Марказий Ижроя Қўмитаси мажлисларидан бирида тўғридан-тўғри «қирғизлар иқтисодий қолоқ бўлганилари учун ҳам, улар барибири, қирилиб кетишига маҳкумдир. Шунинг учун инқилоб бутун кучини очликка қарши курашга эмас, яхшиси фронтини мустаҳкамлашга қарши қартиш керак» деганди. Миллионлаб одамлар жуда факир қашашоқ ҳаёт кечирмоқдалар.

Мустафо Чўқаев сиёсатининг яна бир жиҳати кадрлар масаласи билан боғлиқ... Мустафо Чўқаев француз делегациясининг «Ўзбекистонда ҳамма муҳим лавозимларни миллий кадрлар эгаллаб турипти» деганни гапини ҳам жуда асосли рад этади. У бунинг учун партия XVI съездидан материалларига мурожаат қиласди. Унда Оржоникидзе бошқа масалалар қатори Ўзбекистонда бошқарув аппаратининг миллий таркиби ҳақида гапирган экан. Унинг ҳисобига кўра аппаратда


«давоми, боши 10 сонда

Озод Шарафиддинов
Ўзбекистон ҳаҳрамони

руслар 61,9 фоизни, ерли миллат вакиллари эса 24,7 фоизни ташкил қиласди. Бироқ ерли миллат вакилларининг малакаси ва сифати масаласи жуда ноҷор аҳволда бўлган... Большевикларнинг кўзга кўринган арబобларидан бири Георгий Сафаров 1921 йилда ёк мустамлакачиларнинг кадр танлаш мезонини жуда аниқ тасвирлаб берган. У: «Мустамлака инқилоби. Туркистон сабоқлари» деган китобида ёзади: «Мустамлакачиларга ерли аҳолидан чиқкан раҳбар, ўзлари билан сафда турадиган тенг хукукли ўртоқ керак эмас эди. Уларга тилмочлар ва ижрочи мишлиблар зарур эди»...

Шу биргина мақолага қараб олимнинг қалами нечоғлиқ ўтирилиги, тафаккури қанчалар теранлигига амин бўлиш мумкин. Энг муҳими, Мустафо Чўқаев бу ва бошқа асрлари билан жаҳон ҳалқларини Совет Иттифоқидаги мустабидлик салтанатида содир бўлаётган жиноятлардан, ўзбошимчаликлардан оғоҳ қилиб турди. Эҳтимолки, худди шу хизмати билан Мустафо Чўқаев буғунги истиқлол кунларининг яқинлашишига хисса кўшгандир.

Қадимий Берлин шаҳрининг озода ва осуда кўчаларидан бирида қабристон жойлашган. Уни Турк-ислом қабристони дейишиди. Унга севимли ватани — Туркистон мустақиллиги йўлида курашмодан толмаган, ўз ватандошларига қўлидан келган яхшилигини аямаган бир муборак зот — Мустафо бей Чўқаевнинг жасади ҳам кўйилган. Ҳатто унинг вафоти ҳам юртига, ватандошларига мухаббатидан нишона бўлди. 1941 йилда фашистлар Совет Иттифоқига хужум бошлади. Урушнинг бошпаридә ёз минглаб совет кишилари фашистлар томонидан асир олинди. Бу кезларда Мустафо Чўқай Парижда яшарди. Фашистлар уни зудлик билан Берлинга олиб келишади ва асир тушган туркистонликлардан ҳарбий қисмлар тузини талаб қилишиди. Мустафо Чўқай бу тақлифни қатъян рад этади, бироқ асирикдаги юртдошлари билан кўришиб, қандайдир йўллар билан уларнинг қисматини енгиллатишига ёрдам беради. Шу учрашувларда у сил касалини, юқтириб олади. Касал зўрайиб, 1941 йилнинг 27 декабрида Мустафо Чўқай Парижда яшарди. Фашистлар уни зудлик билан Берлинга олиб келишади ва асир тушган туркистонликлардан ҳарбий қисмлар тузини талаб қилишиди. Мустафо Чўқай бу тақлифни қатъян рад этади, бироқ асирикдаги юртдошлари билан кўришиб, қандайдир йўллар билан уларнинг қисматини енгиллатишига ёрдам беради. Шу учрашувларда у сил касалини, юқтириб олади. Касал зўрайиб, 1941 йилнинг 27 декабрида Мустафо Чўқай оламдан кўз юмади.



Мустафо Чўқай қабри, Берлин.

«ОЛТИН СИЛСИЛА» туркумининг илк жузи сотувга чиқди



Анвал хабар қылганимиздек, бутун Ислом оламида энг саҳих ҳадис тўпламлари деб эътироф қилинган тўқиз мўтабар китобдан иборат «Олтин силсила» туркуми «Ҳилол нашр» нашриёти томонидан чоп этилаётган эди. Силсиланинг дастлабки саккис жилди ҳадис илмининг султони, буюк ватандошимиз Имом Бухорий ҳазратларининг «Жомеъус саҳих» тўпламидан иборат бўлди. Бугун ана шу тўпламнинг илк жилди «Ҳилол» тижорат тармоғи дўйконларида савдога чиқарилди.

«Олтин силсила» Ислом динининг иккинчи асосий манбаси бўлмиш мўтабар ҳадис тўпламларининг ўзбекча таржимасидир. Сиз унда Ислом оламида энг мўтабар саналган ҳадис китоблари орқали охир замон Пайғамбари Мухаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламдан ворид бўлган ҳадисларнинг аксар ва асосий қисми билан ошно бўласиз, аждодларимиз қолдирган, асрлар оша асрлаб авайлаб келинган бу буюк илмий мерос билан яқиндан танишасиз.

Силсила ўз мавзусида Ўзбекистонда илк бор амалга оширилаётган улкан илмий иш бўлиб, оламшумул аҳамиятга эга. Бундай йирик тўплам нафақат ўзбек халқи учун, балки дунё аҳолисининг аксар қисми учун катта бир янгилик ҳисобланади. Ана шу эътибордан ушбу илмий ҳаракат ҳақида дунёдаги йирик исломий ташкилотлардан, кўзга кўринган арбоблардан, жумладан Бутун дунё мусулмон уламолари кенгаши, Маккайи мукаррамадаги «Қуръон ва суннат бўйича илмий мўжизасал ҳайъати» бош котиби Абдуллоҳ Мустаҳ, Муборак Масжидул Ақсо имом хатиби доктор Юсуф Жума Салома (Қудуси шариф), машҳур олим ва халқаро Ислом ташкилотлари аъзоси шайх Мухаммад Саъид Рамазон Бутий (Сурғи араб жумҳурияти), Ислом фиқҳи академиялари аъзоси, доктор Вахба Мустафо Зуҳайлий (Сурғи араб жумҳурияти), Ислом фиқҳи академиялари аъзоси, шайх қози Мухаммад Тақиј Усмоний (Покистон Ислом жумҳурияти), Ислом фиқҳи академиялари аъзоси Миср диёри муфтийси доктор Али Жумъя (Миср араб жумҳурияти) каби кўплаб уламолардан тақризлар олинди.

Уламоларимиз томонидан ҳадисларни жамлашда қилинган ҳаракатлар натижасида юзлаб, балки минглаб нодир асрлар дунёга келган бўлиб, бу асрлар ичидаги катта ҳадис тўпламлар алоҳида ўрин тутиши табиий. Биз Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларини халқимизга етказиш учун ўша китоблар ичидаги энг мўтабар саналган, кўпчилик томонидан саҳих, ишончли деб эътироф этилган тўқизига ҳадис тўпламини танлаб олдик. Уларнинг бошида Ислом уммати қадимдан эътироф қилиб келаётган энг мўтабар олти ҳадис китоби ўрин олган. Қолган учта ўринга мазкур олтиликнинг олтинчи ўрнига даъвогарлик қилган ҳадис китоблар танланди. Бу тўқизига китобни ҳадис уламолари орасида «Саҳих тўқизатли» деб ҳам юритилади. Улар қўйидагилар:

1. «Саҳих Бухорий».
2. «Жомеъи Термизий».
3. «Саҳих Муслим».
4. «Сунани Абу Довуд».
5. «Мұжтаби Насаи».
6. «Сунани Ибн Можа».
7. «Муваттои Молик».
8. «Сунани Дорими».
9. «Саҳих Ибн Ҳиббон».

Ушбу келтирилган ададларни жамлаганда ҳадисларнинг жами сони 46775 тага етади. Аммо бу ушбу китобларнинг биз танлаган нусхаларига кўра бўлиб, бошқа нусхаларда ҳадисларнинг адади бироз фарқ қилиши мумкин. Шу билан бирга, бу ҳадисларнинг ичидаги тақорорлари ҳам бор. Мисол учун, тақорорларини ҳисобга олмаганда «Саҳих Бухорий»нинг ҳадислари 400 мингта, «Саҳих Муслим»ники 3033та бўлади.

Муҳаддислар одатда ҳадисларни ҳар жиҳатдан ўрганиш мақсадида уларни турли сарлавҳалар остида тақороран ҳам келтирганлар. Шу боис, бир китобнинг ичидаги бир маънодаги ҳадис бир неча маротаба ҳам келиши мумкин. Бунда муҳаддислар имкон қадар айни бир хил лафздагисини эмас, балки мазмунан бир хил бўлсада, сўзлари фарқли бўлганини келтиришга ҳаракат қилишган ёки ҳадисни бошқа санад билан ривоят қилиб, уни кувватлашга интилишган. Хусусан, имом Бухорийнинг китобларида ҳадисларнинг айнан такорланиши деярли учрамайди. Уларнинг матнида қайсирида даражада фарқ мавжуд бўлади.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларини яхши ният билан, Аллоҳ субҳанаҳу ва таолодан ёрдам сўраган ҳолда таржима қилишга киришар эканмиз, тўқизига энг мўтабар ҳадис китобларидан ташкил топган ушбу оламшумул тўпламга «Олтин силсила» деб ном қўйишини маъқул топдик. Уни илмий асосда, халқаро андозаларга мувоғиқравишида, малакали мутахассислар иштирокида таржима қилиб, ўзига хос энциклопедия қилишга киришдик.

Бу китобларнинг биринчи олтиласи энг саҳих ва санади олий ҳадис китоблари. Булар Ислом уммати ичидаги катта шуҳрат топган олти асл китоблардир. Ислом уммати уларни бир овоздан ҳадиси шарифларни жамлаш борасидаги энг саҳих ва мўтабар китоблар деб эътироф этган, чунки улар шариатдаги энг асосий ва энг қимматли маълумотларни ўзида жамлагандир. Балки имом Нававийроҳматуллоҳи алайҳи таъқидлаганидек, «шариатнинг барчаси шулардир». Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жуда оз ҳадисларигина ушбу олтида асл китобдан четда қолган. Ҳеч шак-шубҳа йўқки, бу китоблар инсон иккиси дунё саодатига эришиши учун мухтож бўладиган нарсаларни ўз ичига олгандир.

Мазкур олти ҳадис китобларига кўшилган кейинги уч китоб ҳам улардан қолиши майди. Бу уч китобдан ҳар бирининг олти саҳих китоб ичидан жой олишига ҳақли эканини кўпчилик уламолар таъқидлаганлар. Улар ўзларидан олдинги олти китобни кўллаб, қўшимчалар билан тўлдирадилар.

Ҳеч шубҳа йўқки, ушбу ҳадис китоблари мусулмонлар учун Қуръони Каримдан кейинги энг эшончли, тўғри ва баракотли китоблардир. Уларни мусулмонлар доимо ёзозлаб келганлар, ўқиб, ўрганганлар ва бу дунё ҳамда охиратлари учун улардан жуда кўп фойдалар олганлар. Шунинг учун ҳам бу буюк манбаларни халқимизга таржима қилиб, тақдим этиш фақат яхшилика, хайру баракага сабаб бўлади. Аллоҳ таолонинг ўзи бу ишимида бизга ёрдамчи бўлсин ва уни ҳаммамиз учун фойдали қилсин! Омин!

Мурожаат учун телефон:
(+998 71) 216 29 27

ISLOM.UZ

Расулуллоҳ (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳимоясига бағишлиланган халқаро конференция



Куни кеча Мавритания пойтахти Нуакшотда Расулуллоҳ (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) ҳимояларига бағишлиланган 25-халқаро илмий конференция бўлиб ўтди. Исломий маданият уюшмаси ҳар йили ташкил қиласидаги ушбу конференцияда 15 араб ва мусулмон давлатларидан олим ва фахиҳлар иштирок этдилар.

Жумладан, унда Мавритания исломий ишлар вазири Аҳмад валад Ниний, Марокаш вақф ва диний ишлар вазири девони мудири Абдуллатиф

Бактурий, Африка Исломий уюшмаси номидан Шайх Мансур валад Шайх Иброҳим Анёс, Азҳари шариф Исломшунослик факултети декани доктор Мухтор Жумъя ва Шайх Муҳаммад Ҳасан валад Даддулар Расулуллоҳ (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) сийратлари, у киши шаънларини ҳимоя қилиш ўйлари тўғрисида маърузалар қилишди.

ИСЛОМ ЭНГ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНАЁТГАН ДИН




23% ни ташкил қилиши таъкидланган. Бунда мусулмонларнинг 87-90% суннитларни, 10-13% эса шийъаларни ташкил қилган.

Pew таҳлилчиларининг ҳисобига қараганда, дунёдаги 1,1 миллиард нафар инсонлар ўзларини бирорта ҳам динга эргашмайдиган динсизлар тоифасига кўшаркан. Улар жумласидан 700 млн. киши Хитойда, 72 млн киши Японияда ва 51 млн. нафари АҚШда истиқомат қиласиди.

Pew наздида маҳаллий ақидавий таълимотлар деб қаралган, яъни дунё миқёсидаги ақидалар сарасига кирмайдиган маълум кичик худуддаги динларга дунёдаги 405 млн. киши эргашар экан. Бундай халқларнинг аксари Хитойда, Африкада ва Австралияда яшашар экан.

Энг жадал ривожланиб, кенг тарқалаётган дин деб, таҳлилчилар Ислом динини эътироф қилишган, яхудийликни эса энг заифлашиб бораётганларга нисбат беришган. 2010 милодий йил ҳисобига кўра мусулмонларнинг ўртача ёши 23 ёшни, яхудийлар ёши — 36 (Исломийнинг ўзида бу кўрсаткич яна юқорироқ), ўрта насоро ёши — 30, ҳиндулар дини намояндаси ёши — 26 ёшни ташкил этган. Ҳудосизлар, ёки ҳеч бир динни тан олмайдиган даҳрийларнинг ўртача ёши 34 ёшга тенг бўлган.

Pew тадқиқотлари бир қанча ўлкалар ва мамлакатларда ўтказилган 2500 та рўйхатга олиш ва сўроқлашлар натижаларига асосланган.



Қўзи ожизлар учун Қуръон Карим

Саудия Арабистонининг “Иср” ташкилотининг бош котиби Муҳаммад Тавфиқ Брайл шрифтидаги Қуръони Каримни босиб чиқариш ўйларига эълон қиласиди. Уни Саудия ва қўши мамилакатларда яшовчи қўзи ожизларга тарқатиш бошланганини қўшимча қиласиди.

Маданий хорѓуқ кафелари

Ливия пойтахти Триполи шаҳрида шундай кафелар очилди. Бу кафеда фақатгина чой ёки қаҳва таклиф қилимасдан, балки “бир пиёла маданият” ҳам таклиф қиласидилар. Бу лойиҳа асосилари Ливия ёшларига вакъларини бекор ўтказмасдан, мароқли ва мазмунли ўтказишлари учун кафеларда китоб ўқишига шароит яратиб қўйганлар. Кафеда турли йўналишдаги адабиётлар жуда кўп.

“Инсон фақатгина нон билан тирик эмас” – бу кафе шиори бўлиб, бугунги кун Ливия ёшларининг дунёқарашларини яхши томонга ўзгартириш, ёшларни бекорчиликдан сақлаш ва маданиятни ўстириш мақсадида бу лойиҳа амалга оширилмоқда.

Хабарлар islam.uz ва muslim.uz сайтиларидан олинди



Қардошлик орта берсин...

Адолатга кўз тикиб,
Бўлиб жуда интизор,
Разолатдан биз ҳамон,
Чекармиз тинмай озор.

Фоний дунё чинданму,
Бўлганинг катта бозор,
Йўлларингда бандангни,
Қиласан сарсону ҳор.

Оғзи қийшиқ бўлсада,
Бой боласи сўйларкан,
Камбағал сукут сақлаб,
Эрта ғамин ўйларкан.

Пуллари кўп, пул сочиб,
Жазодан қутиларкан.
Қатиқ ичган четроқда,
Ялаган тутиларкан.

Инсофлироқ бўлсанг сен,
Ёруғ дунё не қилар?!
Минг пора айлаб бағрин,
Лочин эзгулик тилар...

Қардошлик орта берсин...

Қазоқ, ўзбек дўстлигин,
Биз азалдан биламиз,
Дўстлик бўлсин мангу деб,
Пок ниятлар қиласиз.

Боболар ҳам шул учун,
Қиз олиб қиз беришган,
Дунё ризку рўзларин,
Биргалашив теришган.

Қозоқ қизидан келин,
Бунинг бир мисолидир,
Дўстликка садоқатнинг,
Ажойиб тимсолидир.

Чунки миллат ажратиб,
Ҳеч ким баҳти бўлмаган,
Ўзгани сийламаган,
Камолатга тўлмаган..

Ўша кун, қозоқ қизи,
Бизга келин бўлганди,
Қувғинчи кудаларга,
Уйимиз лиқ тўлганди.


Ёшлар аҳдин билишгач,
Кўп олқишилар айтишган,
Тўй кунларин белгилаб,
Уйларига қайтишган...

Кексаларни ҳурматлаб,
Тўрлардан жой берганимиз,
Олдларига қимизлар,
Қози қарта терганимиз...

Катталар дуосидан,
Бошлиланганди шунда тўй,
Йигилганлар қалбида,
Бўлиб ўтган ширин ўй...

“Ан куй” лардан айтишган,
Қуда тамон ажелар,
“Айтис” айтиб тортишган,
Роҳатланган божалар...

Исломий тўй эмасми,
Қимиз қози, мўл бўлган.
Соғлом дунёқарашдан,
Ҳамманинг кўнгли тўлган...



Ўҳшатдим...

Чакноқ кўзларинг ўҳшар,
“Мошинам”нинг “фар”ига.
Тахсин айтар эр йигит,
Бўлса сендеқ ёрига.

“Аккумлятор”га ўҳшаб
Менга қувват берарсан,
Ҳаёт аччик-чучигин,
Биргалашив терарсан.

Оёқ кўлинг юргулар
Жигулим баллонидек,
Ўйни тоза тутарсан,
Мошинам салонидек.

Қах-қаҳалаб қулишинг,
Ўҳшар мотор ишига,
Нозланиб боқишиларинг,
Ором берар кишига.

“Жигулим”ни пул сарфлаб
“Техосмотр” қиларман.
Сенинг ҳолингни осон,
Қовоғингдан биларман.

Автоулов бузилса,
Минглаб маблағ кетаркан.
Сенга бўлса жонгинам,
Танга - тийин етаркан...

“Мошина”ни иккинчи,
Аёлинг ҳам дейишар,
Ёлғон деб айтгандарнинг,
Гўштларини «ейишар».

Эътиборни кўпроқ биз,
Аёлга қаратайлик.
Бор маблағни аввало,
Уларчун яратайлик.

Жуфтларимиз шод бўлса,
Умримиз ўтар шодон,
Мени ҳақ тушунганлар,
Бўлмаслар дерман, нодон..

22.08.2011.

Тандаги “ит”лар...

Кексайган сари танант,
Турли “ит”га тўларкан.
“Ит”лар номи ҳам, ҳар ҳил
Ғалатироқ бўларкан.

Баданинг ҳар қисмида,
Турли “ит”лар юармиш.
Юрган жойини тишлаб,
Оғриқ пайдо қиласмиш.

Масалан бош оғриса,
“Менинггит”деб ўйлайбер,
“Ит”дан тезроқ кутқар деб,
Дўхтиринга сўйлайбер.

Қулоғинг совуқ олса,
Отдек “ит”га тўларкан.
Исми ҳам “от ит” бўлиб,
Зиёни мўл бўларкан.

“Простат ит” номли ит,
Эрракларни азоблар,
Бу итларга нисбатан,
Жудаям кўп ғазаблар.

“Маст ит”ни айтмайсизми,
Келинга озор берган,
Ёки “бронх ит”ларни,
Үпкага касал терган.

Буйракларнинг ичинда,
“Нефр ит”ити бор экан,
Агар ул “тишласа”,
Буйрак эмга зор экан.

“Артр ит”, “Радикул ит”,
“Остеомиел ит”лар бор.
Хуллас итлар туфайли,
Инсон топади озор.

Итларга жанг очайлик,
Токи улар ўсмасин,...
Жароҳатлаб танларни,
Йўлларимиз тўсмасин.

Султанробот.

Дўстликни сақлаш қийин...

Ҳаётда кўп изланиб,
Чин дўстим тополмадим.
Камчилигим тўлдириб,
Армоним ёполмадим.

Дўст бўлиш осон экан,
Лек уни сақлаш қийин,
Дўстликнинг пок шартларин,
Шарафлаш, оқлаш қийин.

Вафодор дўст топсам деб,
Мен роса урингандим,
Танловларда адашиб,
Орт тамон сурингандим...

Дўстсимиқ шахслар билан,
Самимий дўстлашганиман.
Билгач сир асрорларин,
“Афсус...”деб, хўшлашганиман.

Соҳта дўстлардан асра,
Деганман шунда, Худо!,
Токи қарғаб аларни...
Ризқингдан бўлмай жудо.

Ҳақиқий дўст қадрини,
Доъно инсонлар билар...
Нодонларга ёндошсанг,
Абад бағрингни тилар...

Доно, оқил дўстимни
Бергин дебман мен, Эгам!
Бир кун бўлсада яшай...
Фоний дунёда бегам.

Дўст берсанг, чинидан бер
Кутуладай каму кўстдан,
Йўқса жуда розиман,
Дўстсиз яшашга, ростдан...
25.01.2009.

Нечун шундай?

Айтингчи, ёлғон дунё, нечун шундай курилган?
Сулувроқни кўрганда, хуник лаби бурилган.

Қарға, қарғанинг кўзин, сира чўқимас экан,
Одамлар кўз ўйицдан нега чўчимас экан?

Нечун инсон кўролмас ўздан ўтган Инсонни,
Тўхтатаолмас дилдаги, ҳасадгўйлик нуқсонни.

Одобди бўлсанг агар сени роса сўкишар,
Ортингдан ёмонлашиб, обрўйингни тўкишар.

Соғломроқ бўлсанг агар, соғлиғинг кўролмаслар,
Бемор ётиб қолсанг сен, ҳолингни сўролмаслар.

Илгарилаб кетсанг сен, оёғингдан тортишар,
Бўш келмасинг билишса, тухматларин ортишар.

Пазандалар кўролмас устароқ пазандани,
Созандалар кўролмас машҳурроқ созандани.

Ҳасад қилас дўхтири ҳам, билими зўр дўхтирга,
Соғломни гоҳо ойлаб, кўрап куни йўқдирга.

Во, ажаб, бу қандай сир, инсон инсонга асир,
Босган ҳар қадамингда, ғийбату тухмат сасир.

Мусобақами ҳаёт, ҳар соҳада тортишув,
Йўлингдан сал адашсанг, бўлар экансан шов-шув.

Нечун бул тирик жонлар, тинчина юролмаслар.
Худо берган неъматга қаноат қилолмаслар?

Анормат айтар нечун яшармиз доим шундай?
Сирлари кўп жумбоқми ёки дунёмиз шундай?

Фийбатчилар дастидан, ўзим роса куйганман.
Аларга деб, қалбимда чексиз ғазаб туйганман.

29.12.2012.

Бир киракаш армони...

Наҳотки орзуларим,
Энди мутлақ ушалмас?,
Чарчаган оёқларим,
Ўз “джип”идан тушолмас?..

Токайгача юрарман,
Эски бир “жигули”да,
Киракашликдан тушган,
Танга тийин пулида.

Тушларимда қўрардим,
“Доллар” пошшо, кўкини,
Кўрарманни мен ўнгда,
Унинг зарра кукунин.

Пул топмоқ ўйлин дўстлар,
Айтинг билиб бўларми?
Куруқ гап, сафсатадан,
Хамёнимиз тўларми?

Ноёб дўсту ё ишни
Топмоқ ўзи маҳолдур,
Кўряпган қунимиз ҳам,
Қарасак ажиб ҳолдир.

Пул сочиб чор атроға,
Ўқишиларга киравмиз,
“Диплом”ларни чанглаб,
Иш қидириб юармиз.

Топганимни тўйлару,
Азага яратибман,
Қолганларин амаллаб,
Яшашга қаратибман

Харчанд кўп тиришсамда,
“Джип”имга етолмабман,...
Армонларим унутиб,
Ташлаб ҳам кетолмабман...

Бир кам дунё!, деб ҳамон,
Ўзимни овутарман.
“Джип” кўрганда терс қараб,
Қўзимни совутарман.